

1575/4037 - عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ لِكَعْبِ بْنِ الْأَشْرَفِ، فَإِنَّهُ قَدْ آذَى اللَّهَ وَرَسُولَهُ؟ فَقَامَ مُحَمَّدُ بْنُ مَسْلَمَةَ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَتُحِبُّ أَنْ أَفْتُلَهُ؟ قَالَ: نَعَمْ، قَالَ: فَأَذَنْ لِي أَنْ أَقُولَ شَيْئًا، قَالَ: قُلْ. فَأَتَاهُ مُحَمَّدُ بْنُ مَسْلَمَةَ، فَقَالَ: إِنَّ هَذَا الرَّجُلَ قَدْ سَأَلَنَا صَدَقَةً، وَإِنَّهُ قَدْ عَنَانَا، وَإِنِّي قَدْ أَتَيْتُكَ أَسْتَسْلِفُكَ، قَالَ: وَأَيْضًا وَاللَّهِ لَتَمَلَّنَّهُ، قَالَ: إِنَّا قَدْ اتَّبَعْنَاهُ، فَلَا نُحِبُّ أَنْ نَدَعَهُ حَتَّى تَنْظُرَ إِلَى أَيِّ شَيْءٍ يَصِيرُ شَأْنُهُ، وَقَدْ أَرَدْنَا أَنْ نُسَلِفْنَا وَسُقَا أَوْ وَسَقَيْنَ، فَقَالَ: نَعَمْ، ارْهَنُونِي، قَالُوا: أَيِّ شَيْءٍ تُرِيدُ؟ قَالَ: ارْهَنُونِي نِسَائِكُمْ، قَالُوا: كَيْفَ تَرَهْنُكَ نِسَاءَنَا وَأَنْتَ أَجْمَلُ الْعَرَبِ؟ قَالَ: فَارْهَنُونِي أَبْنَائِكُمْ، قَالُوا: كَيْفَ تَرَهْنُكَ أَبْنَاءَنَا، فَيَسِبُ أَحَدُهُمْ، فَيُقَالُ: رَهْنٌ بِوَسْقٍ أَوْ وَسَقَيْنَ؟ هَذَا عَارٌ عَلَيْنَا، وَلَكِنَّا تَرَهْنُكَ الْأُمَّةَ. فَوَاعَدَهُ أَنْ يَأْتِيَهُ، فَجَاءَهُ لَيْلًا وَمَعَهُ أَبُو نَائِلَةَ، وَهُوَ أَحْوَجُ كَعْبٍ مِنَ الرِّضَاعَةِ، فَدَعَاهُمْ إِلَى الْحِصْنِ، فَنَزَلَ إِلَيْهِمْ، فَقَالَتْ لَهُ امْرَأَتُهُ: أَيْنَ تَخْرُجُ هَذِهِ السَّاعَةَ؟ فَقَالَ: إِنَّمَا هُوَ مُحَمَّدُ بْنُ مَسْلَمَةَ وَأَخِي أَبُو نَائِلَةَ، قَالَتْ: أَسْمَعُ صَوْتًا كَأَنَّهُ يَفْطُرُ مِنْهُ الدَّمَّ، قَالَ: إِنَّمَا هُوَ أَخِي مُحَمَّدُ بْنُ مَسْلَمَةَ، وَرَضِيعِي أَبُو نَائِلَةَ، إِنَّ الْكَرِيمَ لَوْ دُعِيَ إِلَى طَعْنَةٍ بَلِيلٍ لَأَجَابَ. قَالَ: وَيُدْخِلُ مُحَمَّدُ بْنُ مَسْلَمَةَ مَعَهُ رَجُلَيْنِ؛ وَفِي رِوَايَةٍ: أَبُو عَبْسٍ بْنُ جَبْرِ، وَالْحَارِثُ بْنُ أَوْسٍ، وَعَبَّادُ بْنُ بَشِيرٍ. فَقَالَ: إِذَا مَا جَاءَ فَإِنِّي قَائِلٌ بِشَعْرِهِ فَأَشْتُمُهُ، فَإِذَا رَأَيْتُمُونِي اسْتَمَكَنْتُمْ مِنْ رَأْسِهِ فَدُونَكُمْ فَاضْرِبُوهُ. وَقَالَ مَرَّةً: ثُمَّ أَشْتُمُكُمْ، فَنَزَلَ إِلَيْهِمْ مُتَوَشِّحًا وَهُوَ يَنْفُخُ مِنْهُ رِيحَ الطِّيبِ، فَقَالَ: مَا رَأَيْتُمْ كَالْيَوْمِ رِيحًا، أَيُّ أَطْيَبِ، فَقَالَ: عِنْدِي أَعْطَرُ نِسَاءِ الْعَرَبِ وَأَكْمَلُ الْعَرَبِ. فَقَالَ: أَتَأَذُّنُ لِي أَنْ أَشَمَّ رَأْسِكَ؟ قَالَ: نَعَمْ، فَشَمَّهُ، ثُمَّ أَشَمَّ أَصْحَابَهُ، ثُمَّ قَالَ: أَتَأَذُّنُ لِي؟ قَالَ: نَعَمْ، فَلَمَّا اسْتَمَكَنَّ مِنْهُ، قَالَ: دُونَكُمْ، فَفَتَلُوهُ، ثُمَّ أَتَوُا النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَحْبَرُوهُ.

1575.4037. Бизга Алий ибн Абдуллоҳ сўзлаб берди:

«Бизга Суфён сўзлаб берди: «Амр шундай деди: «Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумонинг шундай деяётганини эшитдим:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Каъб ибн Ашрафга ким бас кела олади? Чунки у Аллоҳга ва Унинг Расулига азият берди!» дедилар. Шунда Муҳаммад ибн Маслама ўрнидан туриб: «Эй Аллоҳнинг Расули! Уни ўлдиришимни хоҳлайсизми?» деди. У зот: «Ҳа», дедилар. У: «Ундай бўлса, (унга) у-бу нарса айтишимга изн беринг», деди. У зот: «Айтавер», дедилар. Муҳаммад ибн Маслама унинг олдига бориб: «Манави одам биздан садақа сўради, ҳақиқатан ҳам у бизни қийнаб юборди. Шунга мен олдинга қарз сўраб келдим», деди. У: «Аллоҳга қасамки, ҳали ундан яна ҳам малолланасизлар», деди. (Муҳаммад ибн Маслама) «Биз унга эргашганмиз, шунинг учун унинг иши(нинг охири) нима бўлишини кўрмагунимизча, уни ташлаб кетишни истамаймиз. Бир ёки икки васақ* қарз бериб туришингни хоҳлаймиз», деди. - Амр бизга бу ҳадисни бир неча марта айтиб берган. Бироқ, «бир ёки икки васақ»ни зикр қилмаган эди [ёки «Шунда мен унга: «Унда «бир ёки икки васақ» бормиди?» дедим. У: «Ўйлайманки, унда «бир ёки икки васақ» бор эди», деди]* - У: «Майли. Менга гаров беринглар», деди. «Нимани истайсан?» дейишди. У: «Менга аёлларингизни гаровга қўйинглар», деди. Улар: «Қандай қилиб аёлларимизни сенга гаровга қўямиз, ахир сен арабларнинг энг чиройлиси бўлсанг?» дейишди. У: «Бўлмаса, менга ўғилларингизни гаровга қўйинглар», деди. «Қандай қилиб сенга ўғилларимизни гаровга қўямиз, кейин бирортаси «Бир-икки васақ нарса учун гаровга қўйилган», деб ҳақорат эшитиб юрсинми?! Бу биз учун ор-ку! Яхшиси сенга «лаъма»ни - Суфён: «Яъни қурол-аслаҳани», деди - гаровга қўямиз», дейишди. Шундай қилиб, унинг олдига қайтиб келишга ваъдалашди. Кейин (Муҳаммад ибн Маслама) кечаси унинг олдига келди. Ёнида Абу Ноила ҳам бор эди, у Каъбнинг эмикдош акаси эди. (Каъб) уларни қалъага чақирди-да, кейин уларнинг олдига тушди. Хотини унга: «Шу пайтда қаерга чиқиб кетяпсан?» деган эди, «Бу Муҳаммад ибн Маслама билан акам Абу Ноила», деди. - Амрдан бошқа (ровий) шундай деб айтган: «Аёли: «Мен шундай овозни эшитяпманки, ундан худди қон томиб тургандек», деди. У: «Бу биродарим Муҳаммад ибн Маслама билан эмикдошим Абу Ноила», деди». - Олийжаноб одам кечаси ўлимга (яъни санчиб ўлдирилишга) чорланса ҳам, албатта жавоб беради», деди. Муҳаммад ибн Маслама ўзи билан икки кишини олиб кирди - Суфёнга: «Амр уларнинг исмини айтганми?» дейишган эди, «Бирининг исмини айтган», деди. Амр: «У ўзи билан икки кишини олиб келди», деган, Амрдан бошқаси: «Абу Абс ибн Жабр, Ҳорис ибн Авс ва Аббод ибн Бишр», деган, Амр: «...ўзи билан икки кишини олиб келди», деган» - ва: «У келиши билан мен унинг сочидан тортиб, ҳидлайман. Бошидан маҳкам тутганимни кўрганингиз заҳоти (қиличларни) олинглар ва зарба беринглар», деди. (Суфён айтади: «Амр) бир сафар «Сўнг сизларга ҳидлатаман» деб айтган». Шу пайт у уларнинг олдига киймига бурканганча тушиб келди. Ундан хушбўйликнинг

ҳиди келиб турар эди. (Муҳаммад ибн Маслама Каъбга) «Бугунгидек ҳидни - яъни ундан хушбўйини - кўрмаганман», деди. - Амрдан бошқаси шундай деган: «У: «Ҳузуримда арабларнинг энг хушбўй, энг баркамол аёли бор-да», деди». - У: «Бошингни ҳидлашимга изн берасанми?» деди. У: «Ҳа», деди. (Муҳаммад ибн Маслама) ўзи ҳидлаб, сўнг шерикларига ҳам ҳидлатди. Сўнгра: «Менга яна изн берасанми?» деди. У: «Ҳа», деди. Шунда уни маҳкам тутиб, «(Қилич) уринглар!!!» деди. Улар уни ўлдиришди. Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига келиб, у зотга хабар беришди».

* Васақ - қадимги ўлчов бирлиги бўлиб, ҳажмда 165 литр, вазнда 130,56 кг га тенг.

* Ушбу икки чизиқ орасидаги гап ровий Суфён ибн Уяйнага тегишли. У ҳадиснинг ўзи нақл қилаётган ривоятлардаги лафзий фарқларини омонат юзасидан айтиб ўтмоқда.

Изоҳ: Каъб ибн Ашраф яҳудийларнинг шоирларидан бўлиб, онаси Бану Назир қабиласига мансуб эди. Бадрда мусулмонлар ғалаба қозонгач, унинг ҳиқду ҳасади ичига сиғмай кетди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни, мусулмонларни ҳажв қилиб, саҳобия аёллар ҳақида бепарда шеърлар айтишда илғор бўлиб кетди. Бу ҳам етмагандек, Маккага бориб, мушрикларни мусулмонларга қарши кўзғаб, бошқа қабилаларни ҳам бу ишга жалб этишни ваъда қилди ва бунинг учун керакли режаларни тузиб, айрим ишларни амалга ҳам оширди. Ҳолбуки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан тузилган шартномага кўра, у мусулмонлар билан тинч яшаши, уларга қарши бирорта душман билан тил бириктирмаслиги керак эди. Бироқ, у аҳдни бузди. Бир неча бор қилинган огоҳлантиришларга қарамай, масхарабозлигини ҳам, хиёнаткорона душманлигини ҳам тўхтатмади. Аксинча, Мадина ташқарисидаги қалъасига кириб олиб, фаолиятини кундан-кунга кучайтириб борди. Иш жиддийлашиб, Мадина аҳли катта хавф остида қолди. Бу хавфни бартараф этишнинг бирдан-бир йўли - фитначини жисмонан маҳв қилиш бўлиб қолди, бошқа илож қолмади. Шу боис, Каъб ўлдирилгач, келиб норозилик билдирган Бану Назирликлар аҳвол билан танишгач, унинг айбини тан олишди ва шартномани бузмай, уни давом эттиришни сўрашди.

Манба: hadis.islom.uz



